
ТАДБИРКОРЛАР ВА ЭКСПОРТЁРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Тадбиркорлар уйи” мажлислар залида вилоят ҳокимининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосари Нуриддин Мамажонов иштирокида тадбиркорлик соҳасида юзага келаётган тўсиқлар, ишлаб чиқаришда ва маҳсулотларни экспорт қилишдаги муаммолар муҳокамасига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Унга Фарғона шаҳридаги 40 дан зиёд йирик тадбиркорлик субъектлари ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортчи корхоналари вакиллари ҳамда тегишли масъуллар таклиф этилди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувда сўз олган тадбиркорлар таклиф ва муаммолари ҳамда фаолиятларида юзага келаётган турли саволлар билан масъулларга юзландилар.

Ўз ўрнида тадбиркорлар томонидан билдирилган ҳар бир масала вилоят ташкилотлари масъуллари иштирокида кўриб чиқилиб, тегишли тартибда тадбиркорларга кўмак кўрсатилиши учун чора-тадбирлар белгиланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-03-14 12:34:49